

5-May, 2026-yil

**НИКОҲ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ МАДАНИЙ
СТЕРЕОТИПЛАР ВА ИЖТИМОЙ БОСИМ МЕХАНИЗМЛАРИ**

Norqulov Husniddin Do'sbekovich

pedagogika fanlari nomzodi, dotsent.

Oila va gender ilmiy-tadqiqot instituti

(Toshkent, O'zbekiston) E-mail: husniddinnorkulov1969@gmail.com

Тел.: (90) 925-08-69.

Аннотация: Ушбу мақолада никоҳ барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётган маданий стереотиплар, анъанавий урф-одатлар ва ижтимоий босим механизмлари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиниб, оила институти трансформация шароитида ушбу омиллар оилавий зиддиятларни кучайтириши қайд этилган. Шунингдек, ушбу омилларнинг социологик, психологик ва маданий таъсир механизмлари ёритилиб, халқаро тажриба асосида қиёсий таҳлил ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир амалий таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: никоҳ барқарорлиги, маданий стереотиплар, урф-одатлар, ижтимоий босим, оила институти, гендер роллари, ижтимоий нормалар, оилавий зиддиятлар, модернизация, анъана ва замонавийлик.

Аннотация: В данной статье анализируются с научно-теоретической и практической точек зрения культурные стереотипы, традиционные обычаи и механизмы социального давления, оказывающие негативное влияние на устойчивость брака. Отмечается, что в условиях трансформации института семьи данные факторы усиливают семейные конфликты. Также раскрываются механизмы их социологического, психологического и культурного воздействия, проводится сравнительный анализ на основе международного опыта и предлагаются практические рекомендации, направленные на укрепление стабильности брака.

Ключевые слова: устойчивость брака, культурные стереотипы, обычаи, социальное давление, институт семьи, гендерные роли, социальные нормы, семейные конфликты, модернизация, традиции и современность.

Abstract: This article provides a scientific-theoretical and practical analysis of cultural stereotypes, traditional customs, and mechanisms of social pressure that negatively affect marital stability. It is noted that, in the context of the transformation of the family institution, these factors intensify family conflicts. The study also explores the sociological, psychological, and cultural mechanisms of their impact, presents a comparative analysis based on international experience, and offers practical recommendations aimed at strengthening marital stability.

Keywords: *marital stability, cultural stereotypes, customs, social pressure, family institution, gender roles, social norms, family conflicts, modernization, tradition and modernity.*

КИРИШ

Оила жамиятнинг энг асосий ижтимоий институти сифатида унинг барқарорлиги ва тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Социологик назарияларда, хусусан Эмиль Дюркгейм таълимотида оила ижтимоий бирдамлик ва ахлоқий тартибни таъминловчи институт сифатида қаралади. У “*The Division of Labor in Society*”¹ (“*Жамиятда меҳнат тақсими*”) асарида жамият барқарорлиги умумий нормалар ва қадриятлар орқали таъминланишини таъкидлайди.

Шу билан бирга, Талкотт Парсонс оилани ижтимоий тизимнинг марказий институти сифатида таҳлил қилиб, унинг асосий функцияларини белгилайди. Унинг “*The Social Structure of the Family*”² (in: *The Family: Its Function and Destiny*) асарида оила “*болаларни ижтимоийлаштириши ва катталар шахсини барқарорлаштиришининг асосий институти*” экани таъкидланади.

Бироқ XXI асрда глобаллашув, модернизация ва рақамли трансформация оила институтига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, индивидуализмнинг кучайиши, гендер ролларининг қайта кўриб чиқилиши ва муносабатларнинг рақамлашуви никоҳ шаклланишига таъсир этмоқда. Бу эса анъанавий оила моделлари билан замонавий қадриятлар ўртасида зиддиятларни юзага келтирмоқда.

Айниқса, маданий стереотиплар ва ижтимоий босим механизмлари ушбу зиддиятларни кучайтирувчи омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Гендер ролларининг қаттиқ стереотиплашуви, “жамият фикри”га ортиқча боғлиқлик ва анъанавий урф-одатларнинг мутлақлаштирилиши оилавий муносабатларда тенгсизлик ва психологик зўриқишни келтириб чиқаради. Масалан, ЖССТнинг “*Global and regional estimates of violence against women: prevalence and health effects of intimate partner violence and non-partner sexual violence*”³ ҳисоботида гендер тенгсизлиги ва ижтимоий нормалар зўравонлик хавфини оширувчи асосий омиллар қаторида қайд этилган

Шу билан бирга, ЮНЕСКО тадқиқотлари маданий қадриятлар ва анъаналарнинг иккиёклама хусусиятини кўрсатади: улар ижтимоий бирликни мустаҳкамлаши билан бирга, айрим ҳолларда шахсий эркинлик ва гендер тенглиги тамойилларига зид келиши мумкин. Жумладан, ЮНЕСКОнинг “*World Report: Investing in Cultural Diversity and Intercultural Dialogue*”⁴ асарида маданий анъаналарнинг “инсон ҳуқуқлари ва фундаментал эркинликларга мос келиши зарур”лиги таъкидланади.

¹ Durkheim, 1893/1984, New York: Free Press, pp. 129–130.

² Parsons, 1955, New York: Harper & Row, pp. 16–17.

³ WHO, 2013, Geneva: World Health Organization Press, pp. 15–18.

⁴ UNESCO, 2009, Paris: UNESCO Publishing, pp. 173–176.

5-May, 2026-yil

Шунингдек, ЮНЕСКОнинг “*Gender Equality: Heritage and Creativity*”⁵ ҳисоботида қайд этилишича, “*айрим анъанавий ижтимоий нормалар ва маданий амалиётлар гендер тенгсизлигини мустаҳкамлаб, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини чеклаши мумкин*”. Шу нуқтаи назардан, никоҳ барқарорлигига таъсир этувчи маданий стереотиплар, урф-одатлар ва ижтимоий босим механизмларини комплекс ва илмий асосда ўрганиш замонавий оилашунослик ва ижтимоий сиёсат учун долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг долзарблиги.

Сўнги йилларда жаҳон миқёсида никоҳ муносабатларининг барқарорлигига таъсир этувчи омиллар мураккаблашиб, кўплаб мамлакатларда ажримлар сонининг ўсиши кузатилмоқда. Бу жараён фақат иқтисодий ёки индивидуал психологик омиллар билан эмас, балки чуқур ижтимоий-маданий ўзгаришлар билан ҳам боғлиқдир. Ушбу тенденция Ўзбекистон шароитида ҳам кузатилиб, миллий кадриятлар ва замонавий ижтимоий трансформация ўртасидаги мувозанат масаласини янада долзарб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги⁶ ахборотларида сўнги йилларда никоҳлар сони билан бир қаторда ажримлар сони ҳам ўсиш тенденциясига эга экани қайд этилган. Жумладан, *Ўзбекистонда 2026 йил январ–март ойларида 42,3 минг никоҳ қайд этилган бўлиб, никоҳ коэффициенти 4,5 промиллени ташкил этди. Бу кўрсаткич 2025 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 мингтага камайган. Шу даврда ажралишлар сони 12,7 мингга етган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 1,2 мингтага кўндир.*

Сўнги йиллар динамикасида ҳам никоҳлар сонининг изчил камайиши кузатилмоқда: *2022 йилда 57,9 минг, 2023 йилда 49,5 минг, 2024 йилда 48,6 минг, 2025 йилда 43,8 минг ва 2026 йилда 42,3 минг никоҳ қайд этилган. Ажралишлар эса 2022 йилда 12,2 минг, 2023 йилда 13,0 минг, 2024–2025 йилларда 11,5 минг атрофида бўлиб, 2026 йилда 12,7 мингни ташкил этган.* Умуман олганда, никоҳлар сонининг пасайиши ва ажралишлар улушининг сақланиб қолиши оила барқарорлигига таъсир этувчи ижтимоий-маданий омилларни чуқур ўрганиш заруратини янада долзарб қилиб қўймоқда.

Мазкур ҳолатни чуқур таҳлил қилганда, унинг асосий сабаблари сифатида маданий стереотиплар ва ижтимоий босим механизмлари алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, анъанавий гендер ролларининг қаттиқ сақланиши эркак ва аёл ўртасида тенгсизликни кучайтириб, қарор қабул қилиш жараёнида зиддиятларга олиб келади. Шу билан бирга, қариндош-уруғ, қўшнилар ва маҳалла институтининг ташқи таъсири ёш оилаларнинг мустақил қарор қабул қилиш имкониятларини чеклайди.

“Жамият нима дейди?” деган ижтимоий босим шахсий эҳтиёжларни иккинчи ўринга суриб, ички норозилик ва психологик зўриқишни кучайтиради. Бундан

⁵ UNESCO, 2014, Paris: UNESCO Publishing, pp. 58–61.

⁶ <https://xabar.uz/Ozlu>

ташқари, ортиқча тўй ва маросимлар билан боғлиқ иқтисодий юклама никоҳнинг илк босқичида молиявий муаммоларни келтириб чиқаради, айниқса қарз ва кредитлар орқали ўтказилган тадбирлар узок муддатли босимга сабаб бўлади.

Шунингдек, гендер роллари ҳақидаги стереотипик қарашлар ўзаро мулоқотда тушунмовчиликларни кучайтириб, ишонч ва ҳамкорлик муҳитини заифлаштиради. Натижада, ушбу омиллар йиғиндиси оилавий муносабатларда мувозанатнинг бузилишига, психологик босимнинг ортишига ва айрим ҳолларда никоҳнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон шароитида никоҳ барқарорлигига таъсир этувчи маданий стереотиплар, урф-одатлар ва ижтимоий босим механизмларини комплекс ва илмий асосда ўрганиш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам долзарб вазифа ҳисобланади. Бу йўналишдаги таҳлиллар самарали оила сиёсатини шакллантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ва барқарор оилавий муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Назарий-методологик асослар. Никоҳ барқарорлигига таъсир этувчи ижтимоий-маданий омилларни таҳлил қилишда комплекс назарий ёндашувлар зарур. Улар оила институтининг жамиятдаги ўрни, унинг функциялари ва шахс ҳуқуқ-атворида таъсирини тушунтиришга хизмат қилади.

1. Социологик ёндашув.

Социологик назария нуқтаи назаридан оила жамиятнинг асосий ижтимоий институти сифатида қаралиб, у ижтимоий нормалар, қадриятлар ва маданий стандартларни шакллантириш ҳамда авлоддан-авлодга етказиш функциясини бажаради. Бу ёндашувга кўра, оила фақат шахсий муносабатлар тизими эмас, балки кенг ижтимоий тизимнинг функционал қисми ҳисобланади.

Эмиль Дюркгейм назариясига кўра, жамиятнинг барқарорлиги умумий қадриятлар ва ижтимоий нормалар орқали таъминланади. У ўзининг асосий асари “*The Division of Labor in Society*”⁷ да ижтимоий бирдамлик (social solidarity) жамиятнинг ахлоқий тартибига асосланишини таъкидлайди. Дюркгеймга кўра, оила индивидга жамият нормаларини сингдирувчи энг биринчи ижтимоий институт ҳисобланади.

Шунингдек, Талкотт Парсонс оилани ижтимоий тизимнинг функционал кичик тизими сифатида таҳлил қилади. Унинг “*The Social Structure of the Family*”⁸ асарида оила икки асосий функцияни бажариши таъкидланади, яъни *биринчидан*, бирламчи ижтимоийлашув (primary socialization), иккинчидан, шахснинг эмоционал барқарорлигини таъминлаш. Парсонсга кўра, оила жамиятнинг меъёрий тизимини сақлаб турувчи институт бўлиб, индивидни ижтимоий тизимга мослаштиради.

⁷ Durkheim, É. (1893/1984). *The Division of Labor in Society*. New York: Free Press. 124–130 (ижтимоий бирдамлик ва ахлоқий тартиб концепцияси)

⁸ Parsons, T. (1955). *The Social Structure of the Family*. In T. Parsons & R. Bales (Eds.), *Family, Socialization and Interaction Process*. Glencoe, IL: Free Press. - pp. 16–22 (оиланинг функционал вазифалари)

Оила ва никоҳ муносабатларини ўрганишда Ўзбекистон социолог олимларининг назарий ёндашувлари ҳам методологик асос сифатида қўлланилади. Жумладан, Н.С.Аликориев, Р.Т.Убайдуллаева таҳрири остида чоп қилинган “Умумий социология” китобида оила никоҳ институти асосида шаклланади, никоҳ эса жамият тараққиёти давомида ижтимоий-иқтисодий, диний ва маданий омиллар таъсирида юзага келиб, такомиллашиб боришини таъкидлайди. Муаллифларга кўра, оила социологияси никоҳ турлари, унинг тарихи, оилада меҳнат тақсимооти ва ёшларни никоҳга тайёрлаш масалаларини ўрганади”⁹.

Шунингдек, Баҳром Иброҳимов оила барқарорлигини ижтимоий капитал назарияси асосида таҳлил қилиб, қариндош-уруғ ва маҳалла институтининг таъсири ижобий ҳамда салбий характерга эга бўлиши мумкинлигини қайд этади.¹⁰

2. Гендер назарияси.

Гендер назариясига кўра, жамиятда “эркак” ва “аёл” тушунчалари биологик белгиланишдан кўра кўпроқ ижтимоий муҳит томонидан шакллантирилган конструкциялар ҳисобланади. Яъни гендер роллари табиий ва ўзгармас эмас, балки маданий анъаналар, тарбия тизими, ижтимоий нормалар ва институционал таъсирлар орқали вужудга келади ҳамда тарихий даврлар давомида ўзгариб боради.

Ушбу ёндашувга кўра, жамият эркак ва аёл учун муайян хулқ-атвор моделларини белгилаб беради: масалан, эркакдан кучли, қарор қабул қилувчи ва моддий таъминловчи бўлиш, аёлдан эса сабрли, итоаткор ва асосан оилавий вазифаларга йўналган бўлиш кутилган ҳолатлар сифатида шаклланади. Бу каби стереотипик кутилмалар оилавий муносабатларда тенглик тамойилларига таъсир кўрсатиб, роллар ўртасидаги мувозанатни бузиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, гендер назарияси оила ва никоҳ муносабатларидаги роллар тақсимоотини танқидий таҳлил қилиш, ижтимоий тенгликни таъминлаш ҳамда шахсий эркинлик ва имкониятларни кенгайтиришда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади.

3. Психологик ёндашув.

Психологик ёндашувга кўра, оилавий муносабатлар инсоннинг ҳиссий ҳолати ва руҳий барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқ тизим сифатида қаралади. Оила ичидаги стресс, ички зиддиятлар ва ташқи ижтимоий босим омиллари шахснинг психологик ҳолатига бевосита таъсир кўрсатиб, унинг хулқ-атвори ва қарор қабул қилиш қобилиятини ўзгартиради.

Оилавий муносабатларда аҳил тотув яшаиш, ҳалол меҳнат муҳаббатга асосланган оила жамиятнинг муносиб авлод, ахлоқи пок жамият ишига, тараққиётимизга, мустақиллигимизга садоқатли инсон тарбиялаб етказишда муҳим рол ўйнайди. Қадимдан Шарқ оилалари йигит-қизларни оилавий турмушга

⁹ ТошДУ “Социология” кафедраси илмий жамоаси муаллифлиги ва Н.С.Аликориев, Р.Т.Убайдуллаева таҳрири остида “Умумий социология” –ТошДУ. 1999 й. Б-184. 144-б

¹⁰ Иброҳимов Б., *Ижтимоий капитал ва оила*, Тошкент: “Ижтимоий фикр”, 2019.

5-May, 2026-yil

*тайёрлашга алоҳида эътибор берганлар, йигитлар алоҳида, қизлар алоҳида махсус энага тарбиячилар томонидан тарбияланганлар*¹¹.

Демак, оилавий ҳаётга тайёрлашда узлуксиз ижтимоий босим, ўзаро тушунмовчиликлар ва етарли эмоционал қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги оила аъзоларида рухий зўриқишни кучайтиради. Бу ҳолат узок муддат давом этганда депрессия, асабийлик, ишончсизлик ва оилавий конфликтларнинг кучайишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун психологик мувозанатни сақлаш, ўзаро мулоқот маданиятини ривожлантириш ва эмоционал қўллаб-қувватлаш оила барқарорлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

4. Маданиятшунослик ёндашуви.

Маданиятшунослик ёндашувига кўра, анъаналар ва урф-одатлар жамиятнинг тарихий тажрибаси ва ижтимоий хотирасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Улар авлоддан-авлодга ўтиб, жамиятдаги хулқ-атвор меъёрлари, қадриятлар тизими ва оилавий муносабатлар шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Бироқ маданий анъаналар ўз табиатига кўра нисбатан барқарор ва ўзгаришларга эҳтиёткор ёндашувга эга бўлиб, замонавий ижтимоий трансформация жараёнларига ҳар доим ҳам тез мослашавермайди. Шу сабабли, айрим ҳолларда урф-одатлар ва анъанавий қарашлар янги ижтимоий реалликлар, шахсий эркинлик ва тенглик тамойиллари билан зиддиятга киришиши мумкин.

Натижада, маданиятшунослик ёндашуви анъаналарнинг ижобий (ижтимоий бирликни мустаҳкамлаш) ва салбий (ўзгаришларга мослашаолмаслик, стереотипларни сақлаб қолиш) жиҳатларини бир вақтда таҳлил қилиш орқали оила ва никоҳ муносабатларидаги маданий омилларнинг роли ва таъсир механизмларини очиб беради.

Тарихий ва халқаро тажрибалар таҳлили.

1. Анъанавий жамиятларда никоҳ.

Анъанавий жамиятларда никоҳ институти асосан индивидуал эркин танлов эмас, балки кенг ижтимоий ва маданий тизимнинг муҳим таркибий қисми сифатида шаклланган. Бундай жамиятларда никоҳ фақат икки шахс ўртасидаги муносабат эмас, балки икки оила, баъзан эса кенгроқ қариндошлик гуруҳлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамловчи институт сифатида қаралган.

Шу сабабли оилавий қарорлар, жумладан никоҳ масалалари кўп ҳолларда шахсий истак ва эҳтиёжлардан кўра, катталар - ота-она, қариндош-уруғ ёки маҳаллий жамоа оқсоқоллари томонидан белгиланган ижтимоий меъёрлар асосида қабул қилинган. Бу жараёнда асосий мақсад оилавий барқарорлик, ижтимоий мавқе ва иқтисодий манфаатлар уйғунлигини таъминлаш бўлган.

Натижада, анъанавий жамиятларда никоҳ институти ижтимоий назорат ва маданий меросни сақлаш воситаси сифатида ҳам хизмат қилган. Бу ҳолат бир томондан жамиятда барқарорлик ва узлуксизликни таъминлаган бўлса, иккинчи

¹¹ Ф.Бабажанова, Э.Эшонқулова. Оила психологияси. Ўқув услубий мажмуа. Гулистон 2015. 146-б.

томондан, шахсий танлов эркинлигини чеклаш, индивидуал қарор қабул қилиш имкониятларини қисқартириш каби омилларни ҳам юзага келтирган.

2. Ғарб мамлакатлари тажрибаси.

Ғарб жамиятларида модернизация ва индивидуализмнинг кучайиши натижасида никоҳ ва оила институтида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Жумладан, шахсий танлов, шахсий бахт ва индивидуал эркинлик тамойиллари устувор аҳамият касб этиб, никоҳ муносабатлари кўпроқ икки шахснинг ўзаро келишуви ва ҳиссий мувофиқлигига асослана бошлади.

Бу жараён, бир томондан, инсонларнинг шахсий ҳаётга оид қарорлар қабул қилишда эркинлигини кенгайтириб, мажбурий ва ташқи босимлардан нисбатан мустақил бўлиш имконини берган бўлса, иккинчи томондан, никоҳнинг барқарорлигига таъсир этувчи янги ижтимоий тенденцияларни ҳам юзага келтирди. Хусусан, ҳиссий асосда қурилган муносабатлар барқарорлик нуқтаи назаридан анъанавий моделларга нисбатан кўпроқ ўзгарувчанликка эга экани кузатилмоқда.

Натижада, кўплаб Ғарб мамлакатларида ажримлар даражасининг ортиши, кеч никоҳ қуриш тенденцияси ва “биргаликда яшаш” (cohabitation) шакллариининг кенгайиши каби ижтимоий жараёнлар кучайди. Бу эса оила институтининг трансформациясини, яъни унинг анъанавий, қатъий шакллардан кўра кўпроқ флексибл ва индивидуаллашган моделларга ўтаётганини кўрсатади.

3. Осиё мамлакатлари тажрибаси.

Осиё мамлакатларида никоҳ ва оила институти анъанавий кадриятлар ҳамда замонавий ўзгаришлар ўртасидаги мувозанат шароитида ривожланмоқда. Бу жамиятларда оила тарихан жамоавий масъулият ва ижтимоий тартибнинг асосий элементи бўлиб, анъанавий нормалар ҳали ҳам сезиларли таъсирга эга.

Японияда сўнгги йилларда индивидуализм, меҳнат босими ва шаҳарлашув таъсирида кеч никоҳ, турмуш қурмаслик ва туғилиш даражасининг пасайиши кузатилмоқда. Бироқ анъанавий қарашлар сақланиб, “анъана ва индивидуаллик” ўртасида зиддият юзага келмоқда.

Жанубий Кореяда иқтисодий босим ва карьера рақобати никоҳни кечиктирмоқда. Шу билан бирга, анъанавий гендер роллари ва замонавий тенглик қарашлари ўртасидаги зиддият оилавий қарорларга таъсир кўрсатаётган бўлса, **Хитойда** конфуцийлик кадриятлари асосида шаклланган оила модели шаҳарлашув ва иқтисодий омиллар таъсирида ўзгармоқда. Ёшлар орасида шахсий эркинликка интилиш ортиб, никоҳни кечиктириш ва туғилишни чеклаш тенденцияси кузатилмоқда.

Умуман, глобаллашув ва иқтисодий трансформация таъсирида индивидуал кадриятлар кучайиб, кеч никоҳ, туғилишнинг камайиши ва яқка яшаш ҳолатлари ортиб бормоқда. Шу билан бирга, мазкур мамлакатларда давлат сиёсати анъанавий оила моделини сақлаш ва замонавий ҳаётга мослаштириш ўртасида мувозанат топишга қаратилган.

4. Марказий Осиё контексти.

Марказий Осиё мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда оила ва никоҳ институтида анъанавий маданий кадрятлар ҳали ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Бу ҳудудда оила фақат икки шахс ўртасидаги муносабат эмас, балки кенг қариндошлик тизими, ижтимоий обрў ва жамоавий масъулият билан чамбарчас боғлиқ институт сифатида шаклланган.

Анъанавий кадрятларнинг устуворлиги оиланинг сақланиб қолиши, ажримларнинг нисбатан камроқ бўлиши ва ижтимоий барқарорликнинг таъминланишига муайян даражада хизмат қилади. Бироқ шу билан бирга, жамиятда “оила шаъни”, “жамоа фикри” ва ташқи босим механизмларининг кучлилиги айрим ҳолларда ички оилавий муаммоларнинг очик муҳокама қилинишини чеклаб қўяди.

Натижада, зўравонлик, келишмовчилик ёки психологик зўриқиш каби муаммолар ҳар доим ҳам институционал ёки очик ижтимоий ҳал этиш босқичига чиқмай, кўп ҳолларда яширин шаклда сақланиб қолиши мумкин. Бу эса оилавий муносабатларда ҳақиқий мувозанатни баҳолаш ва муаммоларни барвақт ҳал этиш имкониятларини чеклайди. Бу ўз навбатида, Марказий Осиё тажрибаси анъанавий кадрятларни сақлаш билан бирга, оилавий муносабатларда очиклик, психологик қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Маданий стереотиплар ва уларнинг таъсири.

Оилавий муносабатларда маданий стереотиплар муҳим рол ўйнайди ва кўп ҳолларда никоҳ барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Ушбу стереотиплар жамиятда узоқ вақт давомида шаклланган қарашлар бўлиб, улар шахснинг роли, хулқ-атвори ва қарор қабул қилиш жараёнини маълум даражада чеклаб қўяди. Қуйида энг кенг тарқалган стереотиплар ва уларнинг ижтимоий-психологик оқибатлари таҳлил қилинади.

1. “Эркак – оиланинг боши”. Бу стереотипга кўра, оилада барча асосий қарорлар эркак томонидан қабул қилиниши керак, аёл эса кўпроқ ижро этувчи ёки қўллаб-қувватловчи ролда бўлиши кутилган. Бундай ёндашув эркак зиммасига ортикча моддий ва маънавий масъулият юклайди, шу билан бирга, оилавий қарорлар жараёнида аёлнинг тенг иштирокини чеклаб қўяди. Натижада, муносабатларда мувозанат бузилиб, ўзаро тушунмовчиликлар ва ички зиддиятлар кучайиши мумкин.

2. “Аёл – сабрли бўлиши керак”. Ушбу қараш аёл шахсини кўп ҳолларда фақат сабр, чидам ва итоаткорлик билан боғлаб қўяди. Натижада, баъзи ҳолатларда аёллар оилавий зўравонлик, психологик босим ёки адолатсиз муносабатларга тоқат қилишга мажбур бўлиши мумкин. Бу эса инсон ҳуқуқлари ва шахсий эркинлик тамойиллари билан зиддиятга кириб, оиладаги психологик саломатликка салбий таъсир кўрсатади.

3. “Ажрим – уят”. Бу стереотип оила муаммоларини очик муҳокама қилиш ва ечим излаш жараёнини чеклаб қўяди. Ажримни ижтимоий “нуқсон” сифатида қабул қилиш кўп ҳолларда инсонларни муаммоли ва носоғлом муносабатларда қолиб кетишга мажбур қилади. Натижада, ташқи босим сабабли сақланиб қолган, аммо ички жиҳатдан барқарор бўлмаган оилалар сони ортиши мумкин.

Ижтимоий босим механизмлари. Ижтимоий босим оилавий муносабатлар ва никоҳ барқарорлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири бўлиб, у шахснинг қарор қабул қилиш эркинлигини маълум даражада чекловчи ижтимоий таъсирлар мажмуасини англатади. Бундай босим кўп ҳолларда жамиятда шаклланган норасмий меъёрлар, анъанавий кутилмалар ва ижтимоий назорат механизмлари орқали намоён бўлади.

Ижтимоий босимнинг асосий кўринишлари қуйидагилардан иборат:

Қариндош-уруғ таъсири - оилавий қарорлар, жумладан никоҳ ва ажрим масалаларида қариндошларнинг аралашуви шахсий танлов устуворлигини пасайтиради ва кўп ҳолларда ташқи фикрга мослашишга мажбур қилади.

Маҳалла назорати - жамоа фикри ва маҳаллий ижтимоий муҳит оилавий муносабатларни доимий кузатиш ва баҳолаш орқали шахсий ҳаётга таъсир кўрсатади, бу эса очиқ мулоқот ва мустақил қарор қабул қилиш имкониятларини чеклаши мумкин.

Ижтимоий тармоқлар орқали солиштириш - рақамли муҳитда бошқа оилалар ёки шахслар билан доимий солиштириш тенденцияси пайдо бўлиб, бу норозилик, қониқмаслик ва психологик босимни кучайтириши мумкин.

Оммавий фикр босими - “жамият нима дейди?” деган қараш шахсни ижтимоий баҳолашдан кўрқин ҳолатига олиб келиб, кўп ҳолларда реал муаммоларни яшириш ёки кечиктириб ҳал қилишга сабаб бўлади. Умуман олганда, ушбу босим механизмлари шахсий эркин қарор қабул қилиш имкониятини чеклаб, оилавий муносабатларда ички зиддиятлар, тушунмовчиликлар ва психологик зўриқишнинг кучайишига олиб келиши мумкин.

Урф-одатлар ва иқтисодий босим.

Айрим анъанавий урф-одатлар оилавий ҳаётнинг бошланғич босқичидаёқ сезиларли иқтисодий юклама юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Жумладан, ортиқча тўй харажатлари, турли маросимларнинг кўп босқичли ва мураккаб шаклда ўтказилиши, шунингдек келин-кўрди каби анъанавий удумлар кўп ҳолларда оила бюджетига қўшимча молиявий босим юклайди.

Бундай ҳолатлар никоҳнинг илк давридаёқ қарз олиш, молиявий мажбуриятларни ошириш ва иқтисодий барқарорликнинг заифлашишига олиб келиши мумкин. Натижада, янги ташкил топган оилаларда моддий қийинчиликлар стресс, ички зиддиятлар ва ўзаро норозиликларни кучайтириб, никоҳ муносабатларининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Амалий механизмлар ва таклифлар.

Никоҳ барқарорлигини таъминлаш ва оилавий муносабатларда юзага келаётган муаммоларни камайитириш учун комплекс амалий чора-тадбирларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу механизмлар, аввало, профилактик ёндашувга асосланиб, шахсларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва ижтимоий-руҳий компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим.

1. Маълумот ва таълим тизимини ривожлантириш.

Бу йўналишда асосий эътибор никоҳга киришдан олдин ёшларни тайёрлаш, уларда оилавий муносабатлар ҳақида тўғри тасаввур шакллантириш ҳамда ижтимоий масъулиятни оширишга қаратилади. Хусусан:

Никоҳга тайёргарлик курслари - ёшларга оилавий ҳаётнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари бўйича билим бериш, қарор қабул қилишда онгли ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Оилавий психология бўйича тренинглари - эр-хотин ўртасидаги мулоқот маданияти, низоларни конструктив ҳал қилиш, эмоционал барқарорлик ва ўзаро тушуниш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Ушбу таълимий механизмлар оилавий ҳаётга тайёргарлик даражасини ошириш орқали келажакда юзага келиши мумкин бўлган зиддиятлар ва ажримлар хавфини камайтиришга хизмат қилади.

2. Қонунчиликни такомиллаштириш.

Оила барқарорлигини таъминлашда ҳуқуқий механизмларни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Қонунчилик тизими оилавий муносабатлардаги тенглик, адолат ва ҳуқуқий ҳимоя кафолатларини таъминлаши орқали ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлайди.

Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш - эр-хотин ва оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, мулкӣ ва ижтимоий муносабатларда тенгликни таъминлаш ҳамда ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг самарали механизмларини жорий этишни назарда тутди. Бу оила ичидаги ҳуқуқий ноаниқликларни камайтиришга хизмат қилади.

Зўравонликка қарши чоралар - оилада жисмонӣ, психологик ва иқтисодий зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва ҳуқуқий жавобгарликни кучайтиришга қаратилган институционал тизимларни ривожлантиришни ўз ичига олади. Шу билан бирга, жабрланувчиларни ижтимоий ва психологик қўллаб-қувватлаш механизмларини мустаҳкамлаш ҳам муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда, қонунчиликни такомиллаштириш оилавий муносабатлардаги барқарорликни таъминлашда профилактик ва ҳимоявий вазифани бажарувчи асосий инструментлардан бири ҳисобланади.

3. Ижтимоий кампаниялар.

Оила барқарорлигини мустаҳкамлашда ижтимоий онгни шакллантиришга қаратилган кенг қамровли ахборот-тарғибот ишлари муҳим ўрин тутди. Бундай кампаниялар жамиятда мавжуд стереотиплар ва нотўғри қарашларни қайта кўриб чиқиш, аҳолининг ҳуқуқий ва психологик саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Стереотипларга қарши ахборот ишлари - оилавий муносабатлардаги гендер роллари, ажримга муносабат ва ижтимоий босим билан боғлиқ нотўғри қарашларни танқидий қайта англашга қаратилган тушунтириш ишларини ўз ичига олади. Бу йўналишда мақсад - шахсий эркинлик, тенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларини жамият онгига сингдиришдир.

Оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот - телевидение, интернет платформалари ва ижтимоий тармоқлар орқали оилавий қадриятларнинг ижобий жиҳатларини ёритиш, соғлом оила моделларини тарғиб қилиш ҳамда муаммоларни очик муҳокама қилиш маданиятини шакллантиришга қаратилган. Умуман олганда, ижтимоий компаниялар жамиятда оилага нисбатан муносабатни модернизация қилиш, стереотипларни камайтириш ва оилавий барқарорликни қўллаб-қувватловчи ижтимоий муҳит яратишда муҳим восита ҳисобланади.

4. Иқтисодий ислоҳотлар.

Оила барқарорлигини таъминлашда иқтисодий омиллар муҳим ўрин тутди, чунки никоҳ жараёни ва оилавий ҳаётнинг илк босқичи кўп ҳолларда молиявий юклама билан кечади. Шу сабабли, иқтисодий ислоҳотлар орқали аҳолининг молиявий барқарорлигини ошириш ва ортиқча сарф-харажатларни камайтиришга қаратилган чоралар долзарб аҳамиятга эга.

Камхаражат тўйлар тарғиботи - тўй ва маросимларни соддалаштириш, ортиқча расм-русум ва исрофгарчиликларни камайтириш орқали оилаларнинг иқтисодий юкини енгиллаштиришга қаратилган. Бу ёндашув никоҳнинг илк босқичида қарздорлик ва молиявий стрессларни камайтириш, шу орқали оилавий муносабатларда барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Молиявий саводхонликни ошириш ёшларда бюджет юритиш ва маблағни оқилона бошқариш кўникмаларини шакллантириб, оилаларда онгли молиявий қарор қабул қилишга ёрдам беради, бу эса моддий босимни камайтириб, оила барқарорлигини мустаҳкамлайди.

5. Психологик хизматлар.

Оила барқарорлигини таъминлашда психологик қўллаб-қувватлаш тизими муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у оилавий муносабатларда юзага келадиган ҳиссий, коммуникатив ва ижтимоий муаммоларни барвақт аниқлаш ҳамда уларни самарали ҳал этишга хизмат қилади. Психологик хизматлар оила аъзолари ўртасида ўзаро тушуниш, ишонч ва эмоционал мувозанатни мустаҳкамлашга йўналтирилган профилактик ва реабилитацион механизм сифатида қаралади.

Оилавий маслаҳат марказлари - оилавий низолар, мулоқотдаги муаммолар, гендер роллар бўйича келишмовчиликлар ва ажрим хавфи юқори бўлган ҳолатларда профессионал психологик ёрдам кўрсатади. Бу марказлар орқали оилаларга индивидуал ва гуруҳий консультациялар берилиб, низоларни конструктив ҳал қилиш усуллари ўргатилади.

Стрессни бошқариш дастурлари - оила аъзоларининг кундалик ҳаётдаги руҳий босим, иқтисодий қийинчиликлар ва ижтимоий стресс омилларига нисбатан бардошлилигини оширишга қаратилган. Бу дастурлар эмоционал барқарорликни сақлаш, конфликтли вазиятларда тўғри реакция бериш ва руҳий саломатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, психологик хизматлар тизимини ривожлантириш оилавий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ажримлар сонини камайтириш ва соғлом ижтимоий муҳитни шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Якуний хулосалар.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, никоҳ барқарорлигига таъсир этувчи омиллар фақат шахсий эмас, балки ижтимоий ва маданий характерга эга. Маданий стереотиплар ва ижтимоий босим механизмлари кўп ҳолларда оилавий муносабатларда мувозанатни бузади.

Шу асосда қуйидаги хулосаларга келинди:

✓ Анъанавий қадриятларни тўлиқ инкор этмасдан, уларни замонавий ижтимоий нормалар ва шахсий эркинлик тамойиллари билан уйғунлаштириш зарур.

✓ Ижтимоий босим механизмларини юмшатиш орқали шахсинг қарор қабул қилишдаги эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

✓ Оилавий муносабатларда гендер тенглиги, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик тамойилларини мустаҳкамлаш барқарор никоҳнинг асосий шарти ҳисобланади.

✓ Оила барқарорлигини таъминлашда давлат сиёсати, ижтимоий институтлар ва жамоатчилик фаолиятини қамраб олган комплекс ёндашув зарур.

Умуман олганда, никоҳ барқарорлигини таъминлаш фақат шахсий масъулият билан чекланиб қолмай, балки ижтимоий, маданий, иқтисодий ва ҳуқуқий омиллар билан узвий боғлиқ бўлган мураккаб тизимли жараён экани аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Durkheim, 1893/1984, New York: Free Press, pp. 129–130.
2. Parsons, 1955, New York: Harper & Row, pp. 16–17.
3. WHO, 2013, Geneva: World Health Organization Press, pp. 15–18.
4. UNESCO, 2009, Paris: UNESCO Publishing, pp. 173–176.
5. UNESCO, 2014, Paris: UNESCO Publishing, pp. 58–61.
6. <https://xabar.uz/0zlu>
7. Durkheim, É. (1893/1984). *The Division of Labor in Society*. New York: Free Press. 124–130 (ижтимоий бирдамлик ва ахлоқий тартиб концепцияси)
8. Parsons, T. (1955). *The Social Structure of the Family*. In T. Parsons & R. Bales (Eds.), *Family, Socialization and Interaction Process*. Glencoe, IL: Free Press. - pp. 16–22 (оиланинг функционал вазифалари).
9. ТошДУ “Социология” кафедраси илмий жамоаси муаллифлиги ва Н.С.Алиқориев, Р.Т.Убайдуллаева таҳрири остида “Умумий социология” –ТошДУ. 1999 й. Б-184. 144-б
10. Иброҳимов Б., *Ижтимоий капитал ва оила*, Тошкент: “Ижтимоий фикр”, 2019.
11. Ф.Бабажанова, Э.Эшонқулова. Оила психологияси. Ўқув услубий мажмуа. Гулистон 2015. 146-б.